

## КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ВА ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОБЪЕКТИВ ЖИНОЙ-ХУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кулдошев Улуғбек Отабек ўғли

Нишон туман прокурорининг катта ёрдамчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17422280>

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси биринчи навбатда жиноятнинг объекти билан белгиланиб, олимлар томонидан жиноятнинг объектига жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатлар, субъектларнинг манфаатлари, қонунда белгиланган тартиб сифатида ёндашадилар. “Жиноят тажовуз объектини тўғри тавсифлаш муайян турдаги жиноятларнинг моҳиятини ёритиш, уларнинг ижтимоий хавфлилик, хусусиятини кўрсатиш имкониятини беради, шунингдек, аниқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади” [1].

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги айбдорнинг ўз касбига, унга юклатилган касб мажбуриятларига нисбатан масъулиятсизлик, эҳтиётсизлик билан ёндашиши натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етишида намоён бўлади.

Касб юзасидан хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг объекти ҳақида турли хил қарашлар бўлиб, бир гуруҳ олимлар хусусан, Ф.Тоҳиров[2], М.М.Қодиров ва Р.Кабуловлар[3] томонидан ЖКнинг 116-моддаси жиноятнинг объекти сифатида инсон ҳаёти ва соғлиғини келтиришади.

Бошқа бир олимлар гуруҳи М.Х.Рустамбоев, Э.О.Турғунбоев, Л.Н.Урумбаевлар томонидан мазкур жиноятнинг объекти сифатида инсон ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни кўрсатишиб, инсон ҳаёти ёки соғлиғи мазкур жиноятнинг объекти бўла олмайди деган фикрни илгари суришади. Бизнинг фикримизча, ҳам касб юзасидан хизмат вазифаларни бажармаслик жиноятининг объекти бу ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Чунки, ушбу жиноятларда айбдор томонидан тўғридан тўғри инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилинмай, улар томонидан ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги оқибатида инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилади.

Мазкур таҳлил қилинаётган жиноятнинг бевосита объекти шахснинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланса, жиноятнинг турдош объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

ЖКнинг 116-моддасида белгиланган жиноят объектив томонининг белгиларини шахснинг ўз касбига бепарволик ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли ўз касб вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, жиноят натижасида келиб чиққан оқибат, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш ташкил этади.

С.В.Бородин томонидан “касб вазифалари тушунчаси шахснинг хизмат ёки меҳнат муносабатлари доирасидаги мажбуриятларини ўз ичига олиши ҳақида тушунтириш берилган” [4] бўлиб, ЖКнинг 116-моддаси бўйича жавобгарлик айнан касб

мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида келиб чиқиб, шахснинг муайян ҳаракатларини амалга ошириши ёки амалга оширмаслиги билан боғлиқ ҳолат бевосита унинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлади.

Касб вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиб, профессор Ш.Д.Ҳайдаров томонидан мазкур жиноятда айбдорнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилиши [5] ҳақида тушунтириш берилган бўлса, профессор Ф.Тоҳиров эса бу борада шундай дейди: “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги нафақат айрим ҳаракатсизлик ёки ҳаракатда, балки узоқ муддатли фаолиятсизликда ёки лозим даражада бажарилмаган бир қатор ҳаракатларда ҳам намоён бўлиши мумкин” [6].

Бизнинг фикримизча ҳам касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик нафақат ҳаракатсизлик билан баълки ҳаракат билан ҳам амалга оширилади. Чунки, шахс касб юзасидан ўз вазифаларини бажармасликда ҳаракатсизлик қилса, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликда шахс муайян ҳаракатларни амалга оширади бироқ, ушбу ҳаракатлар талаб даражасида бўлмайди ёки хато бўлади.

Таъқидлаб ўтканимиздек, ЖКнинг 116-моддасига кўра, касб вазифаларини бажармаслик билан бир қаторда касб вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳам жавобгарликни келтириб чиқариб, “лозим даражада бажармаслик” аралаш ҳаракатсизлик деб ҳам юритилади[7]. Касб вазифаларини лозим даражада бажармасликда вазифалар тўлиқ ва охиригача бажарилмайди яъни шахс ўз вазифаларини амалда бажарсада, бу етарли ва лозим даражада бўлмайди ва натижада салбий оқибатлар келиб чиқади. Масалан, корхона ишчиларидан бири ҳисобланган электрик янги бинога электр ўтказиш билан боғлиқ хизмат вазифаларини бажаради. Бироқ, электр токи ўтказиш ва улаш билан боғлиқ қоидаларга амал қилмай симларни изоляция қилмасдан, очиқ қолдиради ва ишчилардан бирининг қўли ушбу симларга тегиб кетиши натижасида шахс вафот этади. Бунда электрик муайян хизмат вазифаларини бажарган бўлсада, бироқ, тўлиқ ва лозим даражада бажармаган. Шу сабабли, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 116-моддаси тегишли қисми билан малакаш лозим бўлади.

Касб юзасидан хизмат вазифаларини бажармаслик жиноятида қилмишни жиноят сифатида малакашда шахснинг муайян ҳаракатларни бажариши белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Яъни шахснинг ҳаракатсизлиги жиноий-ғайриқонуний деб топилиши учун унга ҳаракат қилиш махсус ҳуқуқий мажбурият юкланган бўлиши лозим. Г.Г.Карагезян таъкидлаганидек, “муҳофаза қилинаётган муносабат субъектлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, ўзларига юклатилган вазифаларга нисбатан бепарволик ёки инсофсизлик билан муносабатда бўладилар ва шу тариқа касб юзасидан ўз вазифаларини бажаришнинг қонун билан белгиланган тартибини бузадилар”[8]. Мазкур мажбурият бажарилмаган ҳолдагина ҳаракатсизлик жиноий-ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Масалан, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида қутқарувчиларнинг фавқулотда вазиятлар шароитида жабрланганларни қидириш, уларни қутқариш чораларини кўриш мажбурияти белгиланган бўлиб,

қутқарувчининг ушбу мажбуриятларини бажармаслиги натижасида, ЖКнинг 116-моддасида белгиланган оқибатларнинг келиб чиқиши қутқарувчининг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Мазкур жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгиларидан яна бири бу ЖКнинг 116-моддасида белгиланган оқибатларнинг келиб чиққанлиги, ҳаракатсизлик ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдир.

ЖКнинг 116-моддаси моддий таркибли жиноят ҳисобланиб, фақат жабрланувчида оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати келиб чиққан ёки жабрланувчининг ўлими келиб чиққан ҳолларда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Айбдорнинг қилмишини жиноят сифатида баҳолаш учун унинг ҳаракатлари ва амалда юз берган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш лозим бўлади. Олимлар ўртасида ҳаракатсизлик орқали содир этиладиган жиноятларда сабабий боғланиш бўлиш бўлмаслиги ҳақида турли хил фикрлар бўлиб, Г.Н.Борзенковнинг фикрига кўра, “ҳаракатсизликда сабабий боғланиш бўлмайди”[9]. Ф.Ю.Бердичевский томонидан эса, ҳаракатсизлик орқали содир этилган жиноятларда сабабий боғланиш жиноятнинг объектив белгиларидан бири сифатида таърифланади. Бизнинг фикримизча ҳам ҳаракатсизлик ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш объектив томон белгиларидан бири булиб, айнан мазкур белги айбдорни жавобгарликка тортиш асосларидан бири ҳисобланади. Масалан, беморнинг ўлими тиббий ёрдам кўрсатмаслик натижасида келиб чиқади.

Шунингдек, касб юзасидан хизмат вазифаларини бажармасликда келиб чиқадиган оқибат мавҳум бўлиши керак. Агар келиб чиқадиган оқибат аниқ бўлса ва айбдор ушбу оқибат келиб чиқиши учун муайян ҳаракатсизлик ёки ҳаракатни амалга оширган бўлса унда қилмиш ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноят сифатида малакаланмоғи лозим.

Хавф остида қолдириш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳақида фикрлар хилма-хил бўлиб, хавф остида қолдириш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини бир қатор олимлар жабрланувчи шахсининг ўзига хос хуссиятлари билан боғлайдилар.

Жумладан, Я.А.Мыц “хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилигини белгилайдиган дастлабки, бирламчи омил бу – унинг инсон ҳаёти ва соғлиғи деб таърифлайди[10]. Худди шунингдек, Л.М.Назмутдинова “хавф остида қолдириш инсон ҳаёти ва соғлиғи сингари ўта муҳим объектга тажовуз қилади” [11] деб таъкидлайди.

Ғ.О.Эрматов ва Ш.Д.Хайдаровлар томонидан ҳам хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилиги жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи билан изоҳланади[12].

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини унинг жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларига тажовуз қилиши билан боғлашади. Масалан, Ю.А.Власов “ҳар қандай инсонга қарши жиноят бутун жамиятга зарар етказди, зеро, жамиятнинг бир аъзоси мисолида барча инсонларнинг ҳуқуқларига путур етади” [13] деган фикрни илгари сурган ҳолда жиноятнинг асосий объекти сифатида ахлоқий асослар эканлигини билдиради. С.Р.Давлетмуратов ҳам “хавф остида қолдириш масаласи ахлоқ нормалари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтган [14]. Унинг фикрича, хавф остида қолдириш жиноятида ҳаёт ва соғлиқ билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатлар эмас, балки уларнинг хавфсизлигини таъминловчи муносабатларга ҳам таҳдид солади.

Бизнинг фикримизча, хавф остида қолдириш жиноятининг асосий объекти бу шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланиб, ўзининг соғлиғи ҳақида қайғура олиш имкониятидан маҳрум бўлган ҳаёти ва соғлиғи хавф остида бўлган инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти турдош объект ҳисобланади.

ЖКнинг 117-моддаси қилмишни хавф остида қолдириш жинояти сифатида малакалаш учун жиноят субъекти билан бир қаторда жабранувчининг ҳам маълум бир вазиятда бўлиши лозимлигини назарда тутиб, бу жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида бўлиши ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш имкониятидан маҳрум бўлишидир. Жабрланувчида ушбу икки белгининг бир вақтда мавжуд бўлмаслиги қилмишни жиноийлигини истисно қилади.

Хавф остида бўлишни шундай тушунишимиз керакки, агарда ташқи аралашув бўлмаса, жабрланувчининг ўлими ёки соғлиққа зиён етиш ҳолати келиб чиқади. Хавф остида қолдириш ҳолати ҳақиқий хавфга эга бўлиши керак, тахминий таҳдид жиноят таркибини шакллантирмайди. Бундай ҳолатда инсоннинг яшаш ҳуқуқига ёки жисмоний ҳолатига бевосита таҳдид солувчи реал ва яқин хавф мавжуд бўлади.

ЖКга кўра, хавф остида қолдириш жинояти жабрланувчисининг ҳаёти ва соғлиғига хавф бўлган бир пайтда, ЖКнинг 116-моддаси жабрланувчисининг ҳаёти ва соғлиғига бирор бир хавф мавжуд бўлмайди.

Бундан ташқари, ЖКнинг 116-моддаси жабрланувчисида оқибатлар айбдорнинг ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида келиб чиқса, хавф остида қолдириш жиноятида жабрланувчида оқибатлар айбдорнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида келиб чиқади.

Жабрланувчининг хавф остида бўлиши билан бир вақтда ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши бу жисмоний ёки психологик ҳолати, ёши, ногиронлиги, мажбурий ёки оғир вазият таъсири остида бўлиши сабабли шахснинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаслигидир. Бундай шахслар сифатида жисмоний ёки руҳий касаллиги сабабли ўзи учун бирор-бир ишни мустақил бажара олмайдиган шахслар билан бир қаторда ухлаётган, беҳуш ёки алкоголь ёки гиёхвандлик моддаси таъсиридаги шахсларни ҳам тушунишимиз мумкин.

Мазкур таҳлил қилинаётган жиноятнинг объектив томонини жабрланувчининг юқоридаги икки ҳолатидан ташқари, шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклидаги қилмиш, оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш ташкил қилиб, қилмишни хавф остида қолдириш сифатида малакалаш учун ушбу ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Жиноят кодексига берилган шарҳларда хавф остида қолдириш жинояти ҳаракатсизликда яъни шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолганда унинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган ҳолларда унга ёрдам кўрсатмасликда ифодаланиши ҳақида тушунтириш берилган[15]. Хавф остида қолдириш жиноятининг объектив томонига М.М.Кадиров[16] ва Ф.Тахиров[17] томонидан ҳам мазкур шарҳга ўхшаш тушунтиришлар берилган. Ғ.О.Эрматов ва Ш.Д.Хайдаровлар томонидан эса, “хавф остида қолдириш жиноятнинг объектив томони икки ҳолат билан яъни фаол актив ҳаракат яъни жабрланувчини хавф остида қолдириш ва ёрдам бермаслик яъни ҳаракатсизлик билан содир этилиши” [18] ҳақида тушунтириш берилган.



Бизнинг фикримизча ҳам, хавф остида қолдириш жиноятнинг объектив томони ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали содир этилади. Чунки, жиноят субъекти ҳам ёрдам бермаслик орқали ҳам муайян ҳаракатларни содир этиш орқали шахси ҳаёти ва соғлиғини хавфга қўйиши мумкин. Масалан, ҳаракат орқали хавф остида қолдириш сифатида бир одамни бошқа одамни сувга итариб юборилганлиги ҳолатини ёки ҳайдовчи томонидан ўзи ўриб юборган жабрланувчини ташлаб кетиши ҳолатини келтиришимиз мумкин.

Шахснинг бажариши шарт бўлган ҳаракатларини бажармаганлиги ҳаракатсизликнинг юридик томонини ташкил этиб, уни ижтимоий хавфли ва гайриқонуний ҳуқ-атвор сифатида тасвирлайди.

Хавф остида қолдириш жиноятида ҳаракатсизликни аниқлашда аввало шахс қандай ҳаракатларни бажариши лозимлиги аниқланади ва ҳаракатсизлик жиноят таркиби объектив томонининг белгиси деб топишда мазкур ҳаракатсизлик нимада ифодаланганлигини аниқлаш талаб этилади.

Хавф остида қолдириш жиноятида ҳам бошқа жиноятлар каби ҳаракатсизликнинг содир этилган жойи, вақти ва ўша вақтдаги вазиятни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ёрдам бериш мажбурияти шахсга оилавий, шарномавий муносабатлардан ташқари касб мажбуриятларини бажармасликдан ҳам келиб чиқиб, С.Р.Давлатмуродов томонидан “шахс хавф остида қолдириш жинояти учун жавобгарликка тортишда ушбу вақтда шахснинг иш вақтида бўлган ёки бўлмаганлигини аҳамияти йўқлиги ҳақидаги” [19] фикр илгари сурилган.

Хавф остида қолдириш жинояти объектив томонининг белгиси айбдор жабрланган шахсга ёрдам бериши шартлиги ва бундай имкониятга эга бўлгани ҳолда ёрдам бермаслигини назарда тутати.

Хавф остида қолдиришда ёрдам бериш мажбурияти, аввало, ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасидаги муайян мажбуриятлардан келиб чиқади.

ЖКнинг 117-моддасида белгиланган ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳаволаки норма бўлиб, фуқароларнинг бошқа шахсларга нисбатан мажбуриятлари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган.

Д.В.Давтаян ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳаракатларни бажариш мажбурияти фақат норматив ҳужжатларда белгиланган бўлиши ҳақидаги фикрларни илгари сурган бир вақтда С.Р.Давлатмуратов томонидан ушбу мажбурият норматив ҳужжатларда белгиланган бўлиши шарт эмаслиги ҳақидаги назария илгари сурилади.

Бизнинг фикримизча, ЖКнинг 117-моддаси бўйича шахс жавобгарликка тортиш учун бир шахснинг бошқа шахсга ёрдам кўрсатиш мажбурияти қонун ҳужжатлари асосида белгилаб қўйилган бўлиш лозим ва бундай ёрдам кўрсатиш мажбуриятининг белгиланмаганлиги шахснинг жавобгарлигини келтириб чиқармайди. Масалан, “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида” Низомнинг 4-бандида мактабгача таълим муассасаси ходимлари бола тўсатдан касал бўлиб қолса ёки нохуш ҳолат юзага келган тақдирда, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши лозимлиги белгиланган. Ёки, Оила кодексининг 73-моддасида ота-она ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий,

маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шартлиги белгиланган. Ёхуд, Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2022-йилдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 13-бандида ҳайдовчиларнинг тан жароҳати олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятлари белгиланган. Мазкур нормалар кўрсатилган шахслар учун мажбурий бўлиб, ушбу талабларнинг бажарилмаслиги белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ЖКнинг 117-моддаси талабига кўра, ёрдам кўрсатиши шарт бўлган жиноят субъекти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлиши ва ўзининг аралашуви билан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олишга қодир бўлиши лозим. Ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахснинг бундай ёрдамни кўрсатишга қодир бўлмаслиги жавобгарликни истисно қилади. Агар ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахс ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган бўлмаса, бундай ҳолатда шахсни ЖКнинг 117-моддаси бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

ЖКнинг 116-моддасида ҳам субъект ёрдам кўрсатишга ҳар доим қодир бўлиб, 1-қисмида бепарволиги сабабли ушбу моддада кўрсатилган оқибатлар келиб чиқса, 2-қисмида узурли сабабларсиз ёрдам кўрсатмаслик оқибатида жиноят содир этилади.

Бундан кўринадики, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик факти мавжудлигининг ўзи шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлмай, мажбурият юклатилган шахсни ёрдам кўрсатишга имконияти бўлиши лозимлигини ҳам назарда тутаяди.

Хавф остида қолдириш жиноятининг мажбурият юклатилган шахслардан бошқа бир субъекти бу жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган субъект ҳисобланиб, мазкур субъектнинг жабрланувчига ёрдам бериш мажбурияти қонун ҳужжатларида белгиланиши заруриятини назарда тутмайди. Яъни, агар айбдор жабрланувчини хавфга қўйган бўлса, унинг ёрдам бериши мажбурияти қонунан белгиланмаган бўлсада, жиноят субъекти бўлади. Масалан, дўстини сувга итариб юборган шахснинг дўстини қутқариш мажбурияти бирор-бир қонун ҳужжатида назарда тутилмаган бўлсада, ушбу ҳолат унинг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Хавф остида қолдириш жиноятининг объектив томони содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлишини ҳам назарда тутиб, бундай сабабий боғланишнинг бўлмаслиги қилмишни жиноийлигини истисно қилади. Шу сабабли ҳам хавф остида қолдириш ва унинг натижасида келиб чиққан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиш, одам ўлиши ва бошқа оғир оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги қилмишни ЖК 117-моддаси билан квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Тан жароҳатининг оғирлик даражаси суд-тиббий экспертизаси хулосаси асосида аниқланиб, кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлган тан жароҳати оғир тан жароҳат, соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч

фоизигача йўқолишига сабаб бўлган тан жарохати ўртача оғир тан жарохати ҳисобланади. Бошқа оғир оқибатлар деганда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг тан жарохати олиши ва ўлимини тушунишимиз лозим.

Юқоридагилардан кўринадики, касб вазифаларини бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятининг объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланиб, мазкур жиноятларнинг объектив томони оқибат, оқибат ва қилмиш ўртасидаги сабабий боғланишни талаб қилиб, ҳар иккала жиноят ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик орқасидан содир этилиши мумкин.

### Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Демидов Л.М., Лукин Р.Н. Объект и предмет преступления по уголовному праву России. Актуальные проблемы: Учебное пособие. -СПб., 2004. - С. 11,
2. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлил. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.83.
3. Кадиоров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть.- Ташкент: Адолат, 1997.-С. 191.; Кабулов Р. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Чизмалар альбоми. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2014. – Б.36.
4. Бородин С.В. Профессиональная ответственность и преступления по неосторожности. – СПб.: Юридический центр, 2012. – С. 45.
5. Хайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Дисс. Юридик фанлар номзоди. Тошкент. Б-61.
6. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлил. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.83.
7. Бойко А.И. Преступное бездействие. - СПб.: Издательство “Юридический-центр Пресс”, 2003. -С.119.
8. Карагезян Г.Г. Ответственность за преступления, совершенные вследствие ненадлежащего исполнения лицом своих профессиональных обязанностей: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 82.;
9. Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. - М.: Зерцало-М, 2006. -С. 95-100.
10. Мыц Я.А. Оставление в опасности (социальная обусловленность криминализации, понятие, виды, уголовно-правовая характеристика). Монография. Отв. ред А.И.Чучаев. – Владимир, 2006. – С.23-24.
11. Назмутдинова Л.М. Ответственность за неоказание помощи в уголовном праве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2018. – С.21-22.
12. Эрматов Ғ.О., Хайдаров Ш.Д. Хавф остида қолдириш жинояти учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2010. -Б. 80.
13. Власов Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2004. – С.14-16.
14. С.Р.Давлетмуратов. Хавф остида қолдиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Т. 2020. Б. 50.
15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Х.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. - Тошкент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси, 1997, -Б. 153.

16. Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть: Учебник. / Под ред. д.ю.н, проф. У.Таджиханова. - Тошкент. Адолат, 1997, - С. 67.

17. Тахиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. -Б. 65.

18. Эрматов Ғ.О. Хайдаров Ш.Д. Хавф остида қолдири жинояти учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. - Б.65.

19. С.Р.Давлетмуратов Хавф остида қолдиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари Диссертация 2020 Б. 24.